

ТОШКЕНТ ОҚИШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 286 (6. 177) 1986 йил 15 декабрь, душанба Баҳоси 3 тийин



Жадаллаштириш— ДАВР ТАЛАБИ

Курилиш майдонларида

ПЕШҚАДАМ КОЛЛЕКТИВ

«Главташкентстрой» нинг 153-трестига қарашли В. Аноприенко бошлиқ комплекс коммунистик меҳнат бригадаси 3-курйилиш бошқармаси коллективлари ўрнатилганда пешқадамлик қилиб келмоқда. 38 кишидан ташкил топган бригаданинг ҳар бир аъзоси турдош касбларни пухта эгаллаб олган. Бригада пудра-

ти методи асосида меҳнат қилаётган коллектив шу кунларда Жуковский кўчасида турар жой биносини фойдаланишга топшириш арасида турибди. Белгиланган графикдан ярим ой ўзиб ишлаётган коллектив аъзоларининг бир дусми эса шу кўчада яна бир турар жой биноси пайдовори қурилишини бошлаб юборди.

Н. Давиденко, А. Богданов сингари бунёдкорлари шу кунларда келгуси йил ҳисобига қурилиш-монтаж ишларини олиб боришапти. Узро социалистик муСОБАҚАНИ ТОБОРА АВК ОЛДИРА-ЕТГАН БРИГАДА УЛУГ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИОСИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИНИ ҲАМ ИККИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ИККИ ЙИЛЛИК ПЛАН-ТОПШИРИҚЛАРИНИ БАЖАРИНган ҳолда кутиб олишга бел боғлаган.

Бригаданинг А. Савинов,

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети бюросининг навбатдаги мажлисида шаҳар ҳўжалиги объектларини 1986—1987 йиллар куз-қиш мавсумида ишлашга таъминлаш бўйича тадбирларнинг бажарилишини тўла таъминлай олмадилар, деб қайд этди.

Квартиралар исимаётганлиги ҳақида айниқса Киров, Октябрь, Собир Раҳимов районларининг аҳолисида кўпга шикоятлар олинди.

Бюро ҳозирги вақтда 8,6 километр узунликдаги магистраль ва 135,6 километр узунликдаги кварталлараро иссиқлик тармоқларини янги таъқиниш ишлари бажаришга таъқинлади. Шаҳар иссиқлик марказларида ва қозонхоналарида капитал ва ўртача ремонт ишлари бажарилган. ТП-10 «Шимолий-ғарбий» иссиқлик марказининг биринчи навбати қурилиши тугалланган, иссиқлик марказлари билан боғловчи газопровод қурилган, уй-жойларнинг, томларнинг ремонтга доир бошқа қатор ишлар амалга оширилган.

Мазкур районларнинг, жумладан шаҳардаги бошқа районларнинг коммунал хизматлари шикоятчи чора-тадбирлар кўриш ўрнига ҳақиқий аҳолини бўлиб кўришга ҳаракат қилишяпти. Ваъда бериш билан чекланмоқдалар, бу аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Иссиқлик тармоқларининг, кварталлараро қурувларнинг ремонт бўйича катта ҳажмдаги ишлар бажарилиб, «Шимолий-ғарбий» қозонхонанинг биринчи навбати ишга туширилганига қарамай 148 турар жой биноси, 6 болалар боғчаси, 22 мактаб ва 7 соғлиқни сақлаш муассасаси иситиш мавсумига тайёр эмасди. «Таштепло-сет» (Н. И. Убайдуллаев), «Таштеплокоммунэнерго» (Л. А. Костин) қорхоналари раҳбарларининг совуқонлиги туфайли магистраль ва иссиқлик тармоқларида аварияларга йўл қўйилди. ТП-9 «Янги Чилонзор» иссиқлик маркази биринчи навбатининг қурилишини тугаллаш ва ишга тушириш мўддатлари барбод этилди.

Айрим район ижроия комитетларининг раҳбарлари ишларнинг боришини сўз назорат қилмоқдалар, уй-жой ва жамоат биноларини иссиқлик билан таъминлашдаги ҳақиқий аҳолидан ҳабардор эмаслар. Узларининг илбодий жавоблари билан партия органларини чалғитмоқдалар.

«Таштеплоцентральный», «Таштепелосеть», «Таштеплокоммунэнерго», Тошкент шаҳар ижроия комитети уй-жойларнинг бошқармаси хизматларининг аниқ ва келишган ҳолда ишлаши ҳақида таъминланмаган.

Шаҳар партия комитетининг мажлисида шунингдек, «Тошкент шаҳри ҳўжалигини иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1987 йилги Давлат ва 1986 йил бюджетининг лойиҳаси ва Тошкент шаҳрининг 1985 йилги бюджетининг иқтисодиёт бўлими масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Бўсағда янги йил. Орадан санокчи кунлар ўтди. Шаҳрининг 72 бахтиёр оиласи янги йилни янги уйда нишонлашади. Бу шодиёна кун яқин.

Шаҳар партия комитетининг мажлисида шунингдек, «Тошкент шаҳри ҳўжалигини иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1987 йилги Давлат ва 1986 йил бюджетининг лойиҳаси ва Тошкент шаҳрининг 1985 йилги бюджетининг иқтисодиёт бўлими масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон—Озарбайжон янги ҳаво йўли

Ўзбекистоннинг электротехника қорхоналари билан Озарбайжоннинг Кировобод шаҳри ўртасида ИЛ-76 оғир юк самолётлари ҳаво йўлини очди. Улар «Среднеэлектроаэропат» бирлашмасининг Тошкент ва Андижон заводларидан Озарбайжон ГРЭСидеги авариядан кейин тиклаш ишларини олиб бораётган монтажчиларга қимматли юк—бошқариш панелларини элиб берди.

Ҳозирги Каспий орқали ўтдиغان рейслар ўша кўкман кунларидегидек аниқ-равшан бажарилмоқда. Юк ташувчи қудратли реактив самолётлар ҳар қандай об-ҳавода, сутканинг исталган пайтида кўнмоқда ва учиб кетмоқда. Бу училар СССР Граждан авиацияси министрлиги марказий ишлаб чиқариш диспетчерлик бошқармаси, Ўзбекистондаги авиа диспетчерлик хизмати, Тошкент ва Андижон аэропортлари меҳнаткашларидан иборат мутахассислар катта коллективининг зарбдор меҳнатлари билан таъминланмоқда.

Ўзбекистон—Озарбайжон ҳаво йўли энди очилётгани йўқ,—деди Ўзбекистон Граждан авиацияси бошқармаси юк ташув хизматининг бошлиғи Ю. Холлов.—Бундан бир неча йил аввал ўлкаимизда ҳаво бузилиб, катта майдонлардаги экинларни қуритиб қетганда қардош республика учувчилари АН-12 ва ИЛ-18 самолётларида Ўзбекистон аэропортларига юзлаб тонна чигинти зудлик билан келтириб берган эди. Шу ёрдам туфайли табиат инжиқликларига қарамай, дурустгина ҳосил этиштирилди.

Хозирги Каспий орқали ўтдиغان рейслар ўша кўкман кунларидегидек аниқ-равшан бажарилмоқда. Юк ташувчи қудратли реактив самолётлар ҳар қандай об-ҳавода, сутканинг исталган пайтида кўнмоқда ва учиб кетмоқда. Бу училар СССР Граждан авиацияси министрлиги марказий ишлаб чиқариш диспетчерлик бошқармаси, Ўзбекистондаги авиа диспетчерлик хизмати, Тошкент ва Андижон аэропортлари меҳнаткашларидан иборат мутахассислар катта коллективининг зарбдор меҳнатлари билан таъминланмоқда.

ТАСС ТЕЛЕТАИП ЛЕНТАСИДАН

ХАРАРЕ, Жанубий Африка Республикасидаги «Ранд майнз» компаниясида қарашли олтин қазиб чиқарувчи Боксбург шахтасида оғир ости портлаши натижасида африкалик уч шахтёр ноубуд бўлди. Компания раҳбарларининг маълум қилишларича, фалокат уч минг метр чуқурликда юз берган.

ЖАРДА шахтёрларнинг ҳалокати одатий ҳодиса бўлиб қолган. Кончалик қорхоналарнинг эгалари фойдаланишга ҳавфсизлигини назар-писанд этмайдилар. Кончалар миллий союзининг маълумотларига қўра, кеннинг юз йил ичида 50 мингдан кўп кишининг ёстиғи қўриган.



ВETERАН ҲИММАТИ

Ушбу суратдаги чехрасидан нур ёғилиб турган онахон шахримиздаги ипак йиғирув фабрикасининг ветеран ишчилардан бири Тонихон Соатовадир. Унинг мазкур қорхонада меҳнат қила бошлаганига чорак асрдан ошди. Бугунги кунда унинг номини тилга олинганда, фабрика сараловчиларининг чехраларида салтанатий ҳурмат ва ифтихор зоҳир бўлади, «Устозимиз», дейишади меҳр билан улар.

Дарҳақиқат, Тонихон Соатова ўз меҳнат фаолияти давомида ўз касби сирларини жуда кўп ёшларга қўйиб берган. Шогирдларининг моҳир сараловчи бўлиб етишиларида сўз қилганда кўмаклашди. Еш шогирдлари учун бўш вақтини, дам олиш давларини аямади. Ушб жонқурлик ва меҳрибонлик бугун унга

олам-олам қувонч ҳада этмоқда. У мураббийлик қилган ёшлар қорхонанинг машаалари сафида байроқдорлик қилмоқдалар. Бундан қувонмасдан бўладими! Меҳнат майдонинда шогирдлари билан бир сафда гайрат отини қамчилётган Т. Соатова шу кунларда 1987 йил ҳисобига меҳнат қилаёпти. Меҳнат ветерани ва устоз-мураббий КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасига жавобан Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллик юбилейини икки йиллик план-топшириқларини бажариш билан кутуб олиш учун фидокорлик кўрсатмоқда.

Техника тараққиёти йўлидан

Иссиққа бардошли кошин

Тошкент политехника институтининг илмий техника бардошли материаллар кафедраси илмий ходими Мустаро Ярошенко яратган янги кошин республика бош қўргазмасида намоишга қўйилди. Иссиқлик чидамли, зарарли муҳитда ҳам ўз сифатини тўла сақлаб қолувчи бу кошин металлургия, цемент, сопол, холодильник ишлаб чиқариш саноатида юқори ҳароратли печларни монтаж қилиш ва атрофини ўршада жуда қўл келади. Янги пиллар тайёрлаш технологиясининг соддалиги, унга қўшилган моддаларнинг республикамизда мавжудлиги, кам вақт ва кам маблағ сарфлашиши билан диққатга сазовор. Янги кошин

ни тайёрлашда аввалги поливинилхлорид диспрессияси ўрнига елим сифатда К-4 элемент қўлланилади. Чунки К-4 элементининг бир тоннаси поливинилхлорид диспрессиясига нисбатан икки баравар арзон. Натижада ана шундай кошинларни йил давомида 263 тонна ишлаб чиқарилганда 2196 сўм иқтисодий самардорликка эришиш мумкин. Кошинларни ишлаб чиқариш Саерлов об-ҳаволидаги Суходолжск ўтга чидамли материаллар заводида биринчи бўлиб жорий этилди. Айни кунда мазкур технологияни Иттифоқимиз ва республикамизнинг бошқа қорхоналарида ҳам жорий этиш борасида самарали ишлар олиб бориламоқда.

Сифатсиз чўян бўлмайди

Тошкент политехника институтининг илмий ходими, техника фанлари кандидати Эркин Абдуллаев яратган янги қурилмани қўллаш натижасида сифатсиз чўян чиқаришга чек қўйилди. Қўйиш чехларида эриштиришнинг чўяннинг сифатини аниқлаш учун қўлгана заводларда маълум лабораториялар улуксиз ишлайдилар. Бундай лабораторияларда ўндан ортиқ мутахассислар доимо банд бўлади. Чўяннинг олтинган намуна бир ярим баъзан икки соат мобайнида экспертиза қилинади. Шунда ҳам натижа чиқарилганда маълум ноаниқликларга йўл қўйилди.

ган кремний элементи миқдорини жуда аниқ кўрсатади. Шуниси диққатга сазоворлиги мослаша билан фақат бир кишигина ишлайдилар. Лекин мазкур қурилма ёрдамида бутун бир цех ишга ҳулоса ясаш мумкин. Янгилик аввал-аввал Оҳангарондаги «Сантехлит» заводининг чўян эриштириш чехида тажрибадан ўтказилди. Қурилманиннг самарали эканлигини амалда синаб кўрган завод мутахассислари уни тезда ишлаб чиқаришга жорий этишди. Чўян эриштириш чехида ишга туширилган биргина шундай қурилма йилга қорхонага 52 минг сўмлик иқтисодий самара келтиради.

Навбатдаги семинар

Тошкент область «Еш коммунистлар мактаби» пропагандаистларининг навбатдаги семинари В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида бўлиб ўтди. Семинарда 200 дан ортиқ еш коммунист қатнашди. Тошкент област партия комитетининг секретари Ш. С. Камолқўнаев «Мамлакатини социал-иқтисодий ривожлантиришнинг жадаллаштиришнинг идеологик таъминлаш тўғрисида», Тош-

кент област партия комитетининг пропаганда аниқ тағзияти бўлми мударрининг ўринбосари Э. М. Конопко «Еш коммунистлар мактабида таълим-тарбиянинг аниқ формаларини тадбиқ этиш методикаси» мавзунда доклад қилдилар. Сўнгра семинар қатнашчилари музей экспозициясини томоша қилдилар.

О. ЭШОНХОНОВА, В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали ходими.



ХАРАРЕ, Жанубий Африка Республикасидаги «Ранд майнз» компаниясида қарашли олтин қазиб чиқарувчи Боксбург шахтасида оғир ости портлаши натижасида африкалик уч шахтёр ноубуд бўлди. Компания раҳбарларининг маълум қилишларича, фалокат уч минг метр чуқурликда юз берган.

ЖАРДА шахтёрларнинг ҳалокати одатий ҳодиса бўлиб қолган. Кончалик қорхоналарнинг эгалари фойдаланишга ҳавфсизлигини назар-писанд этмайдилар. Кончалар миллий союзининг маълумотларига қўра, кеннинг юз йил ичида 50 мингдан кўп кишининг ёстиғи қўриган.

районида бўлиб ўтган митингда қочоқларнинг вакиллари сўзлаб, Афғонистон Демократик Республикасидаги аҳоли тўғрисида, мамлакат ҳукумати ўтказётган миллий ярашиш сиёсати ҳақиқий ёшлар хатто полиция ва афғон аксилантиришчиларига қаттиқ қўриқлайдиган лагерларга ҳам кириб бораётганини айтидилар.



ХАВАСР
ХАВОЗИ

Сулаймон ЛОИИҚ,
Афғонистон Демократик Республикаси.

Рубоийлар

Билдакда куч-мадор қолмас зинҳор,
Мозорга ташлагин қилмайин ҳеч ор.
Ватанин севмас ул дилин ҳам кўнгли,
Беор юрак фақат шунга сазовор.

Вақт шиддати

Эрталаб боқсанг гар авжи паст қуёш,
Тушдан сунг етмагай чўнга бардош,
Борган сари вақтнинг шиддати ортар,
Эртанинг зарбига бугун бермас дош...

Қабоҳат

Қўрқмасмен қийнаса мени жараҳат,
Е макр ила қурбон этса муҳаббат.

ВИДО

Кетарман — дожарам,
Кетарман голиб
Тарини вайронадан вайроналарга,
Кетарман дарбадар.
Кетарман олиб
Бу дарё дилимини девоналардай.
Кетарман йироққа,
Қалбнинг қора
гуноҳини ҳамда ишқ доғларини
юниб,
халос этсам дилимдан зора
хароб истакларнинг дудоқларини.
Кечирмадим. Кечдим сендан, умидим,
Бенаво қалбимнинг тинглаб додин
тириклайин гўра олиб кетдим жини
қўмсасини дея висол ёдини.
Янграйдн андуҳлар, ашқлар нағмаси.

Васият

Юртимда уйғониб алворанг баҳор,
Элим бўлса агар рафтадан бедор.
Қабрим узра келиб муждани айтинг,
Нотинч қалбим шунда топади қарор.

Энг жасур инсон

Тақдирни камситиб фаҳмсиз индон.
Эз асрин қарғағай ўғди деб даврон.
Ҳаёт жанги сари кўксини очиб,
Тўсиқни бузганлар энг жасур инсон!

Дари тилидан Нусрат КАРИМ таржимаси.

Фуруғ ФАРУХЗОД,
Эрон.

Кетарман сарғашта.
Кетарман бадар.
Сиздан, гуноҳларини қайноқ чашмаси
Шояд ўшал онда қилсайдим ҳазар.
Маъсумгина фарақ ниҳоли одим.
Шоҳинини қайирди ишқ пажаларини.
Қулфат ёдусига айладим қолдим,
Лабиим у лаблардан тушганда айри
Оқибат пойимга ташлади каманд
Сафар арҷонлари.
Жингархун, жин-жит
кетарман, кетарман,
торт қорағимдан
ночор қўларингни, бесамар умид..
Форс тилидан Одил ИКРОМОВ таржимаси.

Степан ШЧИПАЧЕВ,
РСФСР.

Ўн еттинчи йил

Хаёлим кўзгусидан ўтар бир нарса доим:
Табиада ҳар нарса ўзгарар,
Эмас мангу!
Деразам узра қайин япроғин тўқади жим,
Менга тенгдош эрур у,
Эрур мен учун орзу!
Из солиб учган юлдуз йўқолиши ҳам мумкин,
Одамзод тирик экан ўн еттинчи йил лекин —
Мангу бўлиб қолади!
Мангу яшаб қолади!..
Рус тилидан ТҶЛҚИН таржимаси.



СУКУНАТ
Рассом Б. Жааловнинг «Гурзуф» асары.
В. Дубровский фотоси.



Абд ал-ҚОДИР АБУ ХАРУС,
Ливия.

Диалектика

Чал, ноғорачи,
Чал!
Альон қон рангли —
Қизил чармди
Ноғорангчи чал!
Тингла!
Қонли интиқом
«Чал» дея чорлар!
Сўз билан амал
Бўлмасин айри!
Етди журағини —
Имтиҳон пайти!
Диалектика — бу
Тошмоқ, пасаймоқ.
Диалектика — бу
Чўққи билан жар!
Гар
Сукут сақласанг
Демак, кўрқсан!
Келинга монанд —
Тортинчоқлардан
Қаҳрамон чиқмас.

Етар ожизликдан
Нолиб юрмоқ,
бас!
Жангу жадал
кўрқмоқ
ўрнамас!
Ноғорангчи чал,
Вақт бизга маҳтал.
Бирга юрмаган,
Бизларга душман!
Русчадан
Самандар ВОҲИДОВ таржимаси.

Биз—интернационалистлармиз

**ДУСТАИК —
ИЖОДИЙ АЛОҚА**

Кўни кеча Тошкент Давлат оперетта театри ижодий коллективи билан Тошкентдаги Афғонистон Демократик ёшлар ташкилоти ўртасида ижодий ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузилди.
Маълумки, Тошкентдаги 13 олий ўқув юрталари ва 2 техникумда 730 дан ортақ афғонистонлик ёшлар таълим олмақда. Бундай кўп сонли афғон ёшларнинг ўсиб бораётган мадания ва эстетик эҳтиёжларини янада намол топишда театрларнинг роли бекибедир. Зеро, юксак интернационал совет-афғон дўстлигини мустақамлаш мақсадида тузилган маскур шартнома катта аҳамият касб этади.
Шунинг учун ҳам Афғонистон Демократик Республикасининг Тошкентдаги Бош консулиги ёшларнинг ижодий дўстлик ришталарини ривожлантириш учун шарт-шароит яратишга ҳаракат қилмоқда.
Шартномага кўра ҳар йили ҳамда 2 марта ҳамкорликда Совет-афғон концертлари тайёрланади, доимий ижодий учрашувлар ўтказилиб турилади, афғонистонлик бадий ҳаваскорлик коллективларига оталиқ ёрдами кўрсатилиб борилади. Шунингдек, спектакллар муҳокамасига таклиф этилади, ўтказилган сиёсий голий-тарбиявий тадбирларда оперетта театри коллективи актив қатнашиб боради.
Шартномани талтанали имзолаш маросимида Афғонистон Демократик Республикасининг Тошкентдаги Бош консулиги вазифинини бажарувчиси Шахзамал, Бош консулик II секретари Нажибулло Самадий, III секретари Абдул Маннон Юсуфийлар ҳозир бўлдилар.
Сўнгра саҳнада оперетта театри артистлари билан афғон ёшлари тайёрлаган катта концерт программаси намойиш этилди. Залини тўлдириб ўтирган икки қардош мамлакат ёшларининг актив журлигида ўтган концерт гулдурас қарсақлар билан кутиб олинди.
Барчага яхши кайфият ҳаёда этган кеча йиғилганларда ўчмас таассурот қолдирди.

Б. КАРИМОВ.

ЭКСПОРТ ҚИЛИНГАН ХОТИН
(Ҳикоя)

Али шаҳарда ростгўйлик ва виждонлилик каби юксак инсоний фазилатларни ўзидан ажқол акс эттирган оиладан эди. Кескалик гаштини сураётган оила бошлигини ўз дунёқарашига эга экан, у кишиларга ташқи кўринишга қараб эмас, балки ақл-заковати, жамиятдаги тугган ўрнига қараб баҳо беради. Алининг онаси — паст бўйли аёл. У ҳеч қачон бировнинг дилини огритмаган, майда гап ёки гийбатлардан ўзини доимо четга олиб юрадиган инсон саналарди. Алининг сингиллари эса илгач-кундуз деразадан серрайиб турадиган, кўчада юз берувчи турли хил воқеаларни териб юрувчи ва ақл-хуши тўзо тантаналарни ўйлашдан бўшамайдиган қизларга сира ўхшашарди. Ҳақиқатан, Алининг сингиллари субҳидан то оқ-натсеварлиги, қолаверса одоблиги тўғрисида шўхнинг турли чеккаларидан совчилар тўтовсиз келаётган эди, лекин онанинг жавоби доимо битта, у ҳам бўлса:
— Углимни уйлантирмайди, бизларнинг турмушга чиқмиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.
Аксига олиб Али бўлажак турмуш ўрғонини танлашга шўхилмади. У шаҳар муниципалитетда масъулиятли вазифани бажарётган бўлиб, агар у уйланишдан бўлса оила унинг оёқ-қўлини маълум даражада боғлаб қўйиши ёки бирон бир сабабга кўра обрўсининг тўқилиб кетишидан қўчиётган эди. У ўзинча «Уйланмиш — бу масъулиятли қадам, уми пухта ўйлаб кўриш керак» — деб фикр юртарди.
Она эса ўғлини кўндиролмай тўноб бўлар, фарзандини койир, лекин розилик беришга мажбур қилаолмасди. Идорада Алининг иши инсбатан оз келган хатларни регистрация қилиб, уларга жавоб тайёрлаш эди. Иш вақтида одадта Али ва унинг масбулларни йиғилиб чойхўрлик қилишар, фойда-сиз баҳсларга вақтларини кетказишар: бири институтга кириб ўқиши, яна бошқаси математика фанини иккинчи ўрнини инти борлигини таъкидларди. Али айлиниб келиб, чет эл командировкасига тақалганда дам бир иштиёқ — бирор кўн-гилга ёққан чет эллик қизни таппиб унга уйланиб олиш нияти унга тинчлик бермасди. У ўзинча чет эл командировкасига юборилмаган шахслар орасида мендан ахши номзод йўқ деб ўйларди. Унинг ҳаракат ва иштилошури зое кетмади. Қўвайта олти ойлик финанс курсларида ўқишга юборилмади ганлар рўйхатида унинг фамилияси ҳам турарди. Чет элга сафар қилиш унга янги мамлакат ва мартабаси улуғ кишилар билан танишиб, курсни тугатганлик ҳақида ҳужжат олиш, ҳаммадан ҳам ўзининг нозик дидига мос қизга уйланиш имкониятига эга бўлганидан бағоят хурсанд бўлди.
У жой олган самолёт оқсига ердан кўтарилди. У шахс эркинлиги гуллаб яшнаган юқори маданиятли мамлакатга йўл олди. Самолёт жуда кўп қизгин баҳсларда тилга олинган Қўвайтага яқинлашмоқда. Ҳа, дўстлари уни тўшунмади. Ҳеч бўлмаганда уйланиш масаласида.
— Фақат чет эллик қизга ўйланиш керак! — деб тақрорларди у ҳаммаса.
Улар бўлса эътироз билдирар эдилар:
— Сен енгилтаклик билан хато фикр юрйтипсан! Шахс қандай эркинликка эга бўлмасин, ўзининг урф-одатлари, қолаверса туб неғизи билан Она ерига болганган. Тарихий аниқ-аналаримизни бузган ҳолда тараққийга эриша олмаймиз. Ливиялик қизлар ривожланишга қодир эмас, улар эскилик билан ингликнинг фарқи бормайди дейиш хато бўлади. Улар янги ҳаёт тарафдори. Чет эллик қизларга уйлансанг, биз уларни камситиб қўямиз, мавриди келганда айтиш керакки, улар кўп жиҳатдан бизнинг қизларимиздан устун турмайдн. Чет эллик қизлар бизларникидан фақат юқорироқ маданиятга эга.
— Ҳар қандай чет эллик қиз эркинликка эга ва ўзининг жамиятдаги тугган ўринини қадрлайди. Бизда эса ўзгача! Чет эллик хотин — ҳамроҳ ва дўст, бизда бўлса уй хизматкори. Уй хизматкори билан тақдирини боғлагандан кўра умрбод бўйдоқ бўлиб яшашмоқ афзал.
Бундай баҳслардан сўнг фикрларнинг ақлилиги ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди.
У самолётда хаёли суриб:
— Мен билан турмуш қўриб Ливияга жўнаб кетадиган қиз топиларкин! Олти ой мობайндаги уни учратаримкинман, мўддат бўлса жуда қисқа... У мени севиб қоларимкин!
Самолёт манзилга қўнди. Али кун бўйи похта кўчаларинда сайр қилди, кино афишани кўздан кечирди, магазин пештахталарига қараб тўймади. Гарчанд бу шаҳардаги кишилар марта тилда гаплашаётган бўлса ҳам, гўё бу тилки биринчи марта зинтаётган эди.
... Ниҳок аҳдани боғлаган келин-кўёв Ливияга қайтиб келдилар. Унинг чет эллик қизга уйланиши барча танишлар ва қаринодларнинг ҳайратда қолдириди. Уйдаги юмушлар аввалгидек Алининг онаси билан сингилсига қолди кетди.
Лайло сира уйда ўтиролмасди. У шаҳар кинотеатрларида намойиш этилган фильмларнинг бирортасини ҳам қолдирмай кўрадиган бўлди.
Эз кўнарларнинг бирини Лайло Ташқи Саёдо палатасида хизмат вазифинини ўтаб, командировка туғайли келган соёқ севгилисини учратиб қолди. Энди Лайло кўчага серкатов бўлиб, уй-рўзгор учун харид қилинувчи кўп нарсаларни ба-жонидил ўзининг зиммасига олди.
Алло ҳийла узоққа чўзимайди. Лайлонинг жазманга ёзилган хати тасодифан Алининг онаси қўлига келиб тушди. Оилада катта жанжал кўтарилди...
Эртаси кўни Али Қўвайтага ўчадиган пассажир самолётинга сотиб олган битта билетни Лайлонинг қўлига тўқазиб:
— Ҳайр! Бу сенга аччиқ дарс бўлсин! — деди.
Арабчадан Бобир ГИЕСОВ таржимаси.

Чет эл матбуоти саҳифаларида

беғараз молиявий ёрдам кўрсатиш каби бир қатор муайян пунктларни ўз ичига олади.
1980 йилдан буён СССР Рассомлар союзи Европа ва жаҳон ёш рассомлари конкурсларининг ташкилот-чиси сифатида намоян бўлмақда. Хусусан, ГДР—Совет ёш рассомларининг сиёсий планктари ёки СССР—СССР санъаткорларнинг «Бизнинг кўрғазмаларимиз» широти остида бўлиб ўтган катта конкурс-кўрғазмалар шулар жумласидандир. Маскур анжуманларга тақдим этилаётган ҳар хил маъруза асарлар санъат ихлосмандлари қалбига ёрқин таассурот қолдирмоқда.
бегараз молиявий ёрдам кўрсатиш каби бир қатор муайян пунктларни ўз ичига олади.
1980 йилдан буён СССР Рассомлар союзи Европа ва жаҳон ёш рассомлари конкурсларининг ташкилот-чиси сифатида намоян бўлмақда. Хусусан, ГДР—Совет ёш рассомларининг сиёсий планктари ёки СССР—СССР санъаткорларнинг «Бизнинг кўрғазмаларимиз» широти остида бўлиб ўтган катта конкурс-кўрғазмалар шулар жумласидандир. Маскур анжуманларга тақдим этилаётган ҳар хил маъруза асарлар санъат ихлосмандлари қалбига ёрқин таассурот қолдирмоқда.

ЖОНАЖОН ВАТАН БҮЙЛАБ

(ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР БЕРАДИЛАР)
© ДУШАНБЕ. Металл қирғувчи асбобларга эҳтиёж камаймаётган бўлса ҳам, «Таджикнаб» бирлашмаси мутахассислари бундай маҳсулотларга бюортмани кескин камайтирдилар. Улар корхонада парма ва металлга ишлов берувчи бошқ асбоблар плазмали чаглатиш ёрдамида лезерловчи кукун билан қопланадиган чех баро эдилар. Фрезерлар, резецлар, пармалар, штамплар ана шундай тоблангандан кейин олатадиган кўпроқ хизмат қилмоқда. Масалан, бешта ўрнига битта тобланган парма ишлатилимоқда.
© СТАРИЙ ОСКОЛ (Белгород области). Стойленскон бойитиш комбинати коллективи графикдан ўзиб меҳнат қилмоқда. Йил бошидан буён топшириққа қўшимча равишда 80 минг тоннага яқин темир маъдани қазиб чиқарилиди. Қовларни ишлатувчилар касб маҳоратининг тонамиллаштирилганини, юксак унумли техникумининг жорий этилиши муваффақиятини таъминлади. Корхона меҳнатчилари йиллик социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажардилар.



Украина ССР, Чернобыль атом электр станциясида содир бўлган авария оқибатларини тугатишда Челябинскда ишлаб чиқарилган бульдозерлар хизмати катта бўлди. Радио орқали бошқариладиган бульдозерлардан 4-энерготехникнинг ҳовлисини тозалаш ишларида фойдаланилди. Ҳозир бульдозерлардан станция майдонларида муваффақиятли фойдаланилди.
Радио орқали бошқариладиган бульдозерларни КПСС XXV съезди номли Киев автоматика институтининг ходимлари ишлаб чиқарилар.
СУРАТДА (чапдан ўнғига): лаборатория мудири, техника фанлари кандидати М. Березовский, катта илмий ходим С. Семенов ва ходим В. Кожьяковлар атом электр станциясида муштариладиган аппаратларни текшириб кўришлпти.
Ю. Мосенижик фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

© ЯКУТСК. Мамлакатнинг олмос фонди яна бир нодир қимматбаҳо тош билан тўлдирилди, унга Михаил Васильевич Ломоносов номи берилди. Нафис жилоли бу заргарлик олмоси 105 қарадан иборат бўлиб, у Якутиядаги бойитиш фабрикаларидан топилиди.

© УШ. Ўш областининг «Советник Қирғизистан» кўриқ совхозига қурилган комплекс дала ширини бутун йил давомида ишлади. Бу ердаги қўлайлиқлар чорвадорларга, тракторчиларга маъқул келди. Комплекста яхши жиҳозланган спорт зали, кутубхона бор. Бу ерда янги киңофильмлар намойиш қилинади. Баҳслар, кечалар, лекциялар ўтказилди. Мададий дам олиш хоналари ёнида ошхона, ҳаммом, меҳмонхона жойлашган. Бошқа хўжалиқларда ҳам ана шундай комплекслар қурилиши бошланди.

© ПОШКАР-ОЛА. Мари АССР Китооб нашриёти автоном республика тарихининг биринчи томини босиб чиқарди. У Волга-Вятка регионидagi халқларнинг қадимий даярдан тортиб, Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар бўлган ҳаёти ҳақида хикоя қилади. Бу асар олимлар ва ўлкашунослар олиб борган кўп йиллик тадқиқотларнинг яқунидир.

© СВЕРДЛОВСК. Свердловск музикали комедия театрига академик театр деган фахрий ном берилди. Коллективнинг совет санъатини ривожлантиришдаги катта хизматлари ана шундай тақдирланди. Оперетта жанрининг энг яхши аъёнларининг давом этираётган Урал театрини совет опереттасининг лабораторияси, деб атайдилар. Ҳозир труппа бир неча премерани тайёрламоқда. Уларнинг орасида Исаак ва Максим Дунаевскийлар музика ёзган «Напиган грант болалари» асари ҳам бор. Бу асар мамлакатда биринчи марта сахналаштирилмоқда. И. Оффенбахнинг «Фавар хоним» опереттаси партизурасининг тўла текстини тиклаш ишлари ҳам давом этмоқда. Келгуси йилдан бошлаб Свердловск музикали комедия театри янги театр эксперименти шариотида ишлаб бошлайди. Бу эса репертуарни танлашда, постановка авторлари билан муносабатларда труппанинг имкониятларини кеңгайтиради.



Приморье ўлкаси. Ҳасан районининг диққатга сазовор жойларда иккинчи жуда кўп. Ҳозирги пайтда «Гамов» совхозиде ўн кили мингга яқин кийик парварши қилинлпти. Наслликка ҳақ катта эътибор бериллпти, маълум турлардан медицина учун қимматли дорн-дармонлар тайёрланади.
СУРАТДА: кийикбоқар В. И. Приходько.
С. Козлов, А. Кузряин фотоси.

Келинг, бир қулишайлик

ХАНДАЛАР

ҲОЗИРЖАВОБ БОЛА
— Ҳа, тиррарча, менга шундай зарда қиладиган бўлсанг, сенни товуқонага қамаб қўяман,— деди Робертага онаси.
— Менга барбир, мен туҳум қилмайман,— жавоб қайтарди бепарво Роберт.
ГЕОГРАФИЯ ДАРСИДА
География дарсида ўқитувчи Поладан сўради:
— Биласанми, вақт Европада олдин юрарди, чунки Америка кейин очилганда.
— Ҳа, албатта, вақт Европада олдин юрарди, чунки Америка кейин очилганда.
БИРИНЧИ МАРТА КОНЦЕРТГА БОРГАН ҚИЗЧА ОТАСИГА ШИВРЛАДИ:
— Нега ановин жамоб хонимга пўнса қилайпти!
— Қайси жамоб!
— Ана у тағин билан дўқ қилаётган-чи!
— У оркестрнинг бошлигини дикрижер-ку! У аёлга дўқ қилаётгани йўқ.
— Ундай бўлса, нега у хоним ҳадеб қичқирайпти...
МАКТАБДА
— Ги, айт-чи, тўртта иккинчи қўнса, қачна бўлади!
— Билмайман, жамоб.
— Фараз қилайлик, мен сенга тўртта мушук бердим ва тоғанга сенга яна иккита мушук берди. Мушукларнинг неча бўлади!
— Сақикзата, жамоб.
— Қанақасига сақикзата! Тўрт билан икки сақикз бўлмайди-ку, ахир!
— Бироқ, жамоб, меники сақикзата! Уйда ўзимнинг ҳам иккита мушугим бор-да!
Французчадан Сайидгани МУСАЕВ таржимаси.

Меҳнат — хусусий, фойдаси — умумий

Темирчилик растасидаги уста

Тошкентнинг асосий бозоридagi темирчилик растасида ҳам ҳеч ким эски қумоннинг ремонт қилишини хоҳламади. Яхсини янгисини сотиб олинг, деб маслаҳат беришди. Карим Исломқулов эса қумонни кўздан кечириб, «уддалаймиз», деди. Ловуллаб ёнаётган олов алангасидан устaxon олов ишиб турибди. Деворларда уроқлар тиги ярқирайди, бурчақда эса хозиргина ясалган кетмонлар, белкураклар уйиб кўйилган.
Карим ака яқин вақтга «Металлобтремонт» комбинатида ишлаб эди, «Меҳнат пестерани» медали билан тақдирланган.
— Чарчайдиган бўлиб қолдим, — деб табассум қилди у, — мана энди пенсияга чиқдим. Лекин уйда бекор ўтира олмаймам. Шу сабабли патент сотиб олдим... ҳар кун ишлайман: сақикзот асос, кучим етганча. Лекин ишламай туролмайман. Ахир отам ҳам, бобом ҳам темирчилик қилишган... бу хунарни мен ёшлитгимдан ўрганганман.
Темирчилик ота касби бўлган бу устани кўп одамлар танийдн. Асосан у кетмон, белкурак асаиди, ремонт қилади. Лекин металлдан асаладиган майда бў-юмлар: тақа, болалар ўйинчоқлари, эшик тутқичи, қулф ясашни илтимос қилишса ҳам Карим ака йўқ демайди... унинг сўзларига қараганда, даромад чакки эмас: патент тўлангандан кейин ҳар ойига 200 сўмдан, баъзан эса 250 сўмгача қолади.
— Хом ашдан қийналмайсизми, Карим ака?
— Йўқ, металл парчалари етиб ортади. Баъзан «Еш техник» магазинидан майда-чуйдаларни сотиб оламан. Буюртмачиларнинг ўзлари ҳам олиб келишади. Биласиз-ку, темирчида ҳеч нарса бекорга кетмайди.
Темирчилик растасида пенсионер қосибни ҳам, «Металлобтремонт» ходимини ҳам учратиш мумкин. Уларнинг ясаган буюмларига эҳтиёж катта. Лекин рақобат ҳам чакана эмас. Бу ерда беҳиштер яхши ишлашга мажбур бўласан. Акс ҳолда синмасингдан олдин оловни ўчириб қўя бер...
— Икки миллион аҳоли яшайдиган Тошкентда яқна тартибдаги меҳнат фаолияти билан шугулланадиганлар қўлими?
— Кўп эмас. Салкам икки минг киши, — деб жавоб қилади шаҳар молия бўлимининг бошлигини С. Бузурукхўжаев.— Улар темирчилар, тикувчилар, ёғочта нақш соладиганлар, токарлар, мисгарлар, практика қилувчи врачлар, бошқа насб вакиллари. Яқна тартибдаги меҳнат фаолияти тўғрисидаги янги қонун ҳали кучга киргани йўқ. Лекин юк ташини, маъиший хизмат кўрсатиш, репетиторлик иши, турли хунарамдчилик билан шугулланишни истаётган ўнлаб кишилардан ариза тушиди. Бундай илтимослар қўлайиб бормоқда. Яқна тартибдаги хунарамдчиликнинг ривожланиши ҳар бир граждани учунгина эмас, бутун жамият учун ҳам фойдаландир: масалан ўтган йили бюджетта патент тўловлари сифатида 1,7 миллион сўм қўшилди.
Карим Исломқулов устахонасида болга товуши жаранглаб эшитилади. Бу ерда халқ учун зарур буюмлар ясалмоқда, уларнинг ҳар бирида кекса устаннинг қалб кўри бор.

Б. ҲАСАНОВ,
ЎзТАГ мухбири.

З О С А В О Л Г А 1 5 1 0 Ж А В О Б

«ЧАРМ ТҮП-86» ФУТБОЛ КОНКУРСИНИНГ ЯКУНИГА ДОИР

Бу йил «Тошкент оқшомин ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг редакцияси газетонлар учун футбол конкурсини ташкил этди. Конкурс саволларига жавоб бериш учун қатнашчилардан «Пахтакор» командаси, мамлакатимиз ва Европа футбол тарихини мукаммал билиш, ўзини қондаларини пухта тушуниш ва ихтиёт урғуларининг нажмаларини олдиндан айтиб бериш маҳорати талаб қилинарди.

Тошкентликлар билан бир қаторда бошқа шаҳарларда иштирокат қилганлар ҳам редакцияга хат йўллашди. Уларнинг орасида москвалликлар, ленинградликлар, қозғонистлик мухлисир бор эди. Конкурс жюриси жавобларини пухта таҳлил қилиб чиқди. Улар айрим қийинчиликларга ҳам дуч келишди. Жумладан, кўпчилик қатнашчилар саволларга тўла жавоб беришмаган. Баъзилар эса аниқ жавоб талаб қилинган саволларга бир неча вариантда жавоб беришган. Шунингдек, таклиф этилган аниқтан тўла тўлдирмаганлар ҳам бор эди.

Энди учинчи тур саволларининг тўғри жавобларини эълон қиламиз.

1. «Пахтакор» олий лигада ўйнаётган пайтда Барнаул, Львов, Стаханов ва Тбилис стадионлари бетараф майдон бўлган.

2. Жарима ёки эркин тўп тепилаётганда жонли «девор» 9, 15 метр масофада ташкил қилиниши керак.

3. «Пахтакор» олий лигада ўйнаётганда дебютант ўйинчилардан И. Малиновский дастлабки беш ўйинда беш марта тўп киритган.

4. 1961 йилда хоккейчи Борис Майоров Москва командасининг составида «Пахтакорга» қарши ўйнаган. Бу ўрашувида тошкентликлар 1:0 ҳисобида ғолиб чиққан.

5. 1971 йилги мавсумда «Пахтакор» Бокунинг «Нефтич» командаси билан уч марта ўрашган.

6. «Пахтакор» мамлакат биринчилиги матчида Москвада 12 марта, Одессада уч марта ғалабага эришган.

7. 1979 йили Тбилиснинг «Динамо» командаси билан бўлган ўрашувида «Пахтакор»нинг дарвозасига уч минут давомида икки марта 11 метрлик бекдан тўп киритилган.

8. УЕФА турнири (ўша пайтда норасмий Европа чемпионати) биринчи марта 1948 йилда ўтказилган.

9. СССР ва Норвегия командалари ўртасидаги Европа биринчилигининг саралаш ўйини 4:0 ҳисобида якунланди.

10. «Пахтакор» ва «Нистру» командаларининг Кишенэвдаги ўрашуви 1:1 ҳисобида тугади. Шундай қилиб викторинанинг уч тури якунига кўра 45-хунартехника Билим юртининг ўқувчиси В. Серий ғолиб деб топилди. 75 очко тўплаган бу футбол мухлисига Мексикада ўтказилган жаҳон чемпионатида иштирок этган СССР терма командаси футболчиларининг дастгайи эзилган тўп тақдим этилди.

Иккинчи ўринни 74 очко тўплаган «Техоло» илмий-ишлаб чиқариш бirlашмасининг слесари И. Разин эгаллади. 73 очко тўплаган «Дорремстроймаш» бirlашмасининг инжнер-технолог Х. Юсупов учинчи ўринни кўлга киритди. Бу совриндорларга Мексикада ўтказилган жаҳон чемпионатига атаб тайёрланган ёдгорлик буюмлари топширилди.

Врач-кардиолог Н. Березовская, пенсионер Н. Уркуцаева, «Микрод» заводининг слесари В. Фурсов, авиация ишлаб чиқариш бirlашмасининг чорак бошлиғи В. Березовская шу бirlашманинг технолог Д. Бичурин, 160-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Ю. Березовская,

пенсионер Р. Дебердеева, 107-ихтисослашган кўча механик-электриклар колони ишчиси М. Кашапов, илмий-тадқиқот институтининг катта лаборанти И. Френкель, Ангрэн ГРЭСининг катта мастери А. Ярош Тошкент шаҳар спорт комитетининг фахрий ёрликлари билан мукофотланганлар.

Энди викторинанинг саволларига биринчи турга жавоб берган 60 қатнашчининг исми ва фамилиясини эълон қиламиз:

М. Меерзон («Цветметеллектротропект» давлат лойиҳа институтининг катта инжнери), В. Лейдикер (тажриба-механика заводининг слесари-йгувчиси), А. Кулик (ОПС электр монтери), А. Исломов («Тошкент» ёгончи қайта ишлаш бirlашмасининг оператори), З. Одилов (тажриба-механика заводининг слесари-йгувчиси), Ф. Давлетмандов (паррандачилик бўйича республика лабораториясининг бўлим бошлиғи), Т. Тинчоров («УзНИИП градостроительстванин бую мутахассиси»), Х. Ғулмонов (8-музыка мактабининг ўқувчиси), Р. Давлятова («САНИРИ» гулрасининг мудири), Л. Романов («Узбекгазрознергострой» трестининг механизани), Т. Толипов («Уз

спортторг» 2-магазинининг ходими), В. Шипилов (авиация бirlашмаси йгувчиси), П. Чмхалов (35-мактабнинг 8-синф ўқувчиси), Б. Турматов, М. Османова (Шахрисабз, ҳамшира), Э. Саидхўжаев («Среднеэлектросеть стро й» трестининг мастери), С. Сулаймонова (Сирдарё область Оқолтин районидagi автомат-телефон станциясининг монтери), Р. Бариев (пенсионер), Э. Эмурлаев («СССР 50 йиллиги номидagi Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бirlашмаси ремонт-курилиш бошқармасининг ишчиси), В. Левин (221-мактабнинг 7-синф ўқувчиси), А. Петров (8-мактабнинг 8-синф ўқувчиси), Ш. Умаров («Союзпечать» киоскачиси), Ю. Худойкулов (Ўзбекистон граждани авиацияси бошқармасининг инжнери), Н. Эмурлаев («СССР 50 йиллиги номидagi Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бirlашмаси ремонт-курилиш бошқармасининг сувоқчиси), С. Бариев (Тошкент область Коммунистик районидagi 76-механизациялашган кўча колони бетончиси), М. Улуғзаров («Кибернетика» институтининг кичик илмий ходими), Е. Муста (35-мактабнинг 8-синф ўқувчиси), Л. Романов («Узбекгазрознергострой» трестининг механизани), Т. Толипов («Уз

спортторг» 2-магазинининг ходими), В. Шипилов (авиация бirlашмаси йгувчиси), П. Чмхалов (35-мактабнинг 8-синф ўқувчиси), Б. Турматов, М. Османова (Шахрисабз, ҳамшира), Э. Саидхўжаев («Среднеэлектросеть стро й» трестининг мастери), С. Сулаймонова (Сирдарё область Оқолтин районидagi автомат-телефон станциясининг монтери), Р. Бариев (пенсионер), Э. Эмурлаев («СССР 50 йиллиги номидagi Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бirlашмаси ремонт-курилиш бошқармасининг сувоқчиси), А. Саекян (42-мактабнинг 4-синф ўқувчиси), Б. Мусаев (196-мактабнинг 8-синф ўқувчиси), Н. Сулаймонов (210-мактабнинг 9-синф ўқувчиси), В. Карачик («Кибернетика» институтининг кичик илмий ходими), Б. Бобонозов (курилиш техникумининг ўқувчиси), А. Раҳимов (148-мактабнинг 10-синф ўқувчиси), П. Грошев (151-мактабнинг 7-синф ўқувчиси).

Конкурс ғолиби ва совриндорларини, шунингдек фахрий ёрликча тақдим этилган мухлисирни биз 20 декабрь — шабаба кунини соат 12.00 да редакцияда кутамиз.

Редактор Т. М. ҚОЗОҚБОВ.

реклама Э Ў Л О Н Л А Р реклама

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА! Тошкент шаҳар ижроия комитетининг «Гордострой» трестига қарашли асфальт-бетон ва йўл-курилиш материаллари заводи **ТОШКЕНТ ИККИЛИК БАЗАСИ ОРҚАЛИ** Ипподром кўчаси (5, 26-трамвайларнинг «Бг. мой комбинати» бекати). Куйдагиларни чакана нархларда СОТАДИ: асфальт-бетон қоринчаси — 1 тоннаси 24 сўм; М-200 маркали товар бетон — 1 куб. метри 37 сўм; курилиш ишлари учун майдаланган шараф — 1 куб. метри 7 сўм 10 тишин.

Қорхона адреси: Тошкент области, Калинин райони, Хонобод посёлкаси.

ХАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ 1987 йил 6 январдан 10 январгача ЯНГИ ЙИЛ СПЕКТАКЛИ ВА АРЧА АТРОФИДАГИ ТОМОШАЛАРГА ТАКЛИФ ЭТАДИ Театр коллективни Е. Тараховскаянинг «ЧУРТАН БАЛИҚ АМРИ БИЛАН» болалар эртак-песаси асосида тайёрланган янги спектаклни кўрсатадилар. Арча атрофида ёш томошабинлар эртак ва мультфильм қаҳрамонлари: Қорбобо, Қорқич, Буратино, қўвча, бўрилар билан ўрашадилар.

Узбекистон ССР Хунартехника таълимий давлат комитетининг Тошкент шаҳар хунартехника таълимий бошқармасининг 22-ўРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ тикувчилик ишлаб чиқариш оператори ихтисоси бўйича

Уқувчилар қабул қилади МАШГУЛОТЛАР — 1987 йил 1 ФЕВРАЛДА БОШЛАНАДИ. ҲАМЗА НОМИДАГИ УқУШ МУДДАТИ—6 ОИ. 10-синфин битирган ва Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент областининг яқин атрофдаги районларда прописнаси бўлган кишилар қабул қилинади.

Билим юртига қабул қилинганлар 70 сўм миқдорда стипендия ва ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ишлаб топилган маошининг 50 процентини олади. Кирувчилар куйдаги хужжатларни топширадилар: ўрта маълумоти тўғрисида аттестат, ота-онанинг иш жойидан справка, янаш жойидан справка, 286-формадagi медицина справкиси, билим юрти директори номига ариза, 3х4 см. ҳажмдаги 2 донна фотосурат. Мурожат учун адрес: Тошкент шаҳри, Зиньельс кўчаси, 60-ўй. «Узбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги» номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бirlашмаси территорияси (9, 17, 24, 51, 60, 72, 89, 56, 57, 67, 156, 165-автobуслар; 2, 3, 16, 22, 23, 25, 28, 29-трамвайлар; 14, 12-троллейбусларнинг «Олой бозори» бекати).

ХУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЯТАХТИМИЗ МЕХМОНЛАРИ! 1987 йил 1 дан 10 январгача «ЕШЛИК» СПОРТ АГЕНАСИ Янги йил арча томошаларига ТАКЛИФ ЭТАДИ

Сиз бу ерда адабий асарлар, эртаклар, мультфильмлардаги сеvimли қаҳрамонлар билан ўрашасиз. М. Горький номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли рус академик драма театрининг артистлари бу театрлашган томошаларда бади бўладилар.

Томошалар соат 12 ва 14.00 да бошланади. ХУШ КЕЛИНСИЗ!

Коллектив бўлиб келиш учун «Пахтакор» Марказий стадиони кассаларида соат 10 дан 19.00 гача заявқалар қабул қилинмоқда.

«Катталар учун арча» ЯНГИ ЙИЛ БАЗМИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

М. Горький номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли давлат рус академик драма театрининг артистлари театрлаштирилган томоша ва карнавалда бади бўладилар.

ХУШ КЕЛИНСИЗ! Томошалар соат 19 дан 30 минут ўтганда бошланади. Билетлар «Пахтакор» марказий стадиони кассасида соат 10 дан 19.00 гача сотилмоқда.

Коллектив заявқалар қабул қилинмоқда. Маълумотлар учун телефон 41-30-23.

Ўзбекистон ССР Хунартехника таълимий давлат комитетининг 30-ўРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ куйдаги ихтисослар бўйича

Ўқувчилар қабул қилади Кең профилдаги йгувчи-токарь, электр кўприк қрандарининг машинисти, кўда ва машинада қоллолчи. Уқушга 17 ярим ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади. Уқуш муддати — 10 ой.

Стипендия — 72 сўм, ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб топилган меҳнат ҳақининг 50 проценти тўланади. Саноат асбоб-ускуналарини ремонтчи бўйича слесарь, металл қирқиниш ва темирчилик-пресслаш асбоб-ускуналарини бўйича монтажчи-слесарь, тепловознинг механика қисми ремонтчи бўйича слесарь, электр-газ пайвандчи-сантехник, кулчаниш тармоқлари ва электр асбоб-ускуналарини электромонтери. Уқуш муддати — 3 йил.

Уқушга 15 ва ундан катта ёшдаги 8-синф маълумотига эга бўлган йигитлар қабул қилинади. Уқушга қабул қилинганлар 3 маҳал оғвақат, ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб топилган меҳнат ҳақининг 50 проценти билан таъминланадилар.

Уқуш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади. Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхонадан жой берилди.

Билим юртида музика тўғараклари ва спорт секциялари ишлаб турибди.

Уқушни битирганларга диплом берилди, ашлчилар эса, олий ва ўрта ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан қабул қилинадилар. Билим юртини битириб чиққанлар темир йўл транспорти ходимлигига берилган барча имтиёзлар, шу жумладан темир йўл орқали Совет Иттифонининг исталган ерига бепул бўлиб келиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Уқушга кирувчилар куйдаги хужжатларини топширадилар: директори номига ариза, таржиман ҳоли, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, ота-онанинг иш жойидан ва яшаб турган жойидан справка, характеристика, 8 донна фотосурат (3х4 см.).

Машгулотлар группалар комплектапавига қараб бошланади. Хужжатлар ҳар кунни (яқшабадан ташқари) соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.

ВИЗНИНГ АДРЕСИ: Тошкент шаҳри, Ленин райони, Червяков кўчаси, 12-ўй (1, 5, 26-трамвайлар; 106-автobуслининг «Фоменко кўчаси» бекати).

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА ХОККЕЙ

17—18 декабрда — «ВИНОКОР» (Тошкент) — «СКА» (Свердловск). Ҳўйинлар 18.30 да бошланади.

Билетлар Марказий «Юбилей» спорт зали кассаларида сотилмоқда.

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетининг барча магазинларида олма, узум, томат шарбатлари сотилмоқда. ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ АГРОСАНОАТ КОМИТЕТИ.

ҲАР КУНИ БИР СТАКАН ШАРБАТ

Қиш фаслида киши организм витаминларга кўпроқ эҳтиёж сезади. Бундай пайтда шарбатлар катталар учун ҳам, болалар учун ҳам фойдалидир. Шарбатлар кунгилга тегишлиги учун витаминлар мениосини шарбатлардан тайёрланган коктейллар, желелар билан ранг-баранг қилиш мумкин.

БИР НЕЧА РЕЦЕПТИНИ ДИҚҚАТИНГИЗГА ҲАВОЛА ҚИЛАМИЗ: БОЛАЛАР КОКТЕЙЛИ

Миксерга олма шарбати қўйиб, устидан тухум оқи, лимон шарбати, асал қўшиб яхшилаб кўпчитасиз. Бокалларга қуйиб, кейин майиз ёки компот консервасининг мевасини соласиз.

Бир порция учун: 1/2 стакан олма шарбати, 1 донна тухум оқи, 1 чой қошиғида лимон шарбати, чорак стакан асал, майнез, консерва меваси.

ШАРБАТ ЕЛИМШАГИ Желатинни аввал совуқ сувга 25—30 минут солиб қўясиз. Шарбатни қайнатиб, желатин солиб қошиқ билан аралаштирасиз, тивдирасиз, қоллларга қуйиб совуқда салқинлатасиз.

Масаллиқ: 3 стакан шарбат, 25 грамм желатин, таъбга яраша шакар. «ЛЕТО» ТОМАТ ИЧИМИГИ

Томат шарбати, тухум сариги, сут, қаймоқни миксерга солиб аралаштирасиз. Бир порция учун: чорак стакан томат шарбати, 1 донна тухум сариги, ярим стакан сут, бир чой қошиғида қаймоқ

ТОМАТ КОКТЕЙЛИ Миксерга томат шарбати, сут, лимон шарбати, таъбга яраша шакар ва туз солиб аралаштирилади.

Бир порция учун: ярим стакан томат шарбати, ярим стакан сут, 1 чой қошиғида лимон шарбати, туз, томат.

Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетининг барча магазинларида олма, узум, томат шарбатлари сотилмоқда. ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ АГРОСАНОАТ КОМИТЕТИ.

ҚИШ МАВСУМИ ЛИБОСЛАРИ

Тошкентда қиш фасли ўзига хос инжиги. Эрталаб ҳаво қарақаб турган бўлса кечга бориб осмонни булут қоплайди. Бироздан кейин ёмғир ёғиб қорга айланади.

Илмий бу фаслида ПАЛЬТО айнича асқотади. Бу йилги қиш фасли учун асосан тўғри қоматли пальто манзур қўрилмоқда. Бу либосларнинг елка қисми кенг ёки кўтаришқирқ қилиб бичилган. Ениги—реглаан, қўшиб тикилган, кенг қайтарма ёқали. Қишни пальтолarga табиий ва сунъий мўйнадан ишланган ёқалар ҳамшира ярашиб туради.

Узулиги ҳар хил: этаги тиззага тегиб туради ёки аксинча. Биз сизларни пальто сотиб олишингиз учун «Таштекстильшвейторг»нинг «Тоҳир ва Зухра» магазинига ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

Магазин адреси: Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 1-ўй. Ишлаш тартиби — соат 10 дан 20.00 гача. Танаффус — соат 14 дан 15.00 гача. Душаба — дам олиш кунини. Транспорт — 4, 7, 9, 11, 24, 28-трамвайлар; 2, 6, 13-троллейбуслар; 3, 34, 50, 54, 70, 57, 58-автobусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ» (телефон 78-72-42).



ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ МАДАНИЯТ БОШҚАРМАСИНИНГ ЛЕНИН КОМСОМОЛ НОМИДАГИ МАРКАЗИЙ МАДАНИЙ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

1986 йил 28 декабрдан 1987 йил 11 январгача боғда ва боғ атрофида «ДАВРАМИЗГА МАРҲАБО, КУМУШ ҚОРБОБО, ЯНА ҚУВОНЧ КЕЛТИРДИНГ, БИЗГА БИР ДУНЕ»

ТЕАТРАЛЛАШТИРИЛГАН ТОМОШАЛАРИ ҲТКАЗИЛАДИ

Билетлар боғ кассасида сотилмоқда. Пул ўтказиш йўли билан коллектив заявқалар қабул қилинмоқда. Маълумотлар олиш учун телефон 45-37-54.

ЭРКАКЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

17 дан 20 декабр гача ПОЯТАХТИМИЗ МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИДА

«Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги» тикув ишлаб чиқариш бirlашмасида тайёрланган

ЭРКАКЛАР КОСТЮМЛАРИ САВДО-КЎРГАЗМАСИ

Савдо-кўргазмасида жун аралашган ва тоза жун матолардан тикилган размери 44 дан 60 гача бўлган костюмлар намойиш этилади. ЦЎМ (телефон 55.77-90).

«Союзторгпреклама» Бутуниттifoқ бirlашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45.37-27).

Тошкент Давлат университетининг роман-герман филологияси факультетини томонидан Алимов Абдуянон номига берилган 273771 номерли йўқолган

ДИПЛОМ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Октябрь район озиқ-овқат савдоси бўлими коллективни КПСС аъзоси, 18-магистин мудири

Маллик ХАЛИЛОВНИНГ вафот этганини чуқур қайғу билан билдириб, мархумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.



ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва совет курилиши — 32-55, 37, 32-53-83; саноат ва курилиш — 32-57-84; шаҳар ҳўжалиги ва транспорт — 32-55-39; фан ва маданият — 32-53-10; ахборот ва спорт — 33-28-95, 32-55-32; хатлар — 33-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66; эълонлар бўлими — 33-81-42.